Мазкур ҳужжатда хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятининг ҳуқуқий ва амалий механизмларини янада такомиллаштириш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун зарур шароитлар яратиш, тармоқнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилаётган масалаларни тизимли ҳал этиш чора-тадбирлари белгиланган. Хусусий тиббиёт муассасалари 2022 йилнинг 1 январигача барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилди. Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий сектор томонидан кўрсатилаётган хизмат турлари янада кенгайтирилди. Шу пайтга қадар хусусий тиббиёт муассасаларига 177 турдаги тиббий хизматларнинг атиги 50 тасига руҳсат этилган бўлиб, қолганлари тақиқланган эди. Қарорга биноан уларга тиббий хизматларнинг деярли барча тури бўйича хизмат кўрсатишига руҳсат берилди. Улар қаторига кардиожарроҳлик, нейрожарроҳлик, микрожарроҳлик, онкология, анестезиология ва реаниматология, гельминтология, интервицион кардиология, иммунобиологик ва иммунофермент ташхис қўйиш, қон-томир, торакал ва абдоминал жарроҳлик, тиббиёт соҳасида талаб юқори бўлган бошқа йўналишлар киритилди. Бу имконият аҳоли, айниқса, чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган беморлар учун катта қулайлик яратади.

Навоий вилоятида 114 хусусий тиббиёт муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Уларда аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароит яратилган.

Навоий шаҳридаги “Навоий кардиосервис” даволаш диагностика маркази асосан юрак хасталиги билан оғриган беморларга ташхис қўйиш ва даволаш йўналишида тиббий хизмат кўрсатмоқда. Замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган марказнинг 15 ўринли стационар даволаш хоналари аҳоли хизматида.

– Марказдаги замонавий ЭКГ аппарати юрак хасталигининг оғир кўринишларини эрта аниқлашда мухим омил бўлмоқда, – дейди олий тоифали шифокор кардиолог Ўткир Баҳронов. – Юрак соҳасида яширин кечеётган касаллик ўчоғини топиш ва ўз вақтида муолажа қилишда холтер тиббий ускунасидан кенг фойдаланилаётир. Марказ лабораториясини замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, тиббий хизмат сифатини ошириш ва турини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тармоқ ривожи учун яратилаётган шароитлар, берилаётган солиқ

имтиёзлари бунда муҳим аҳамият касб этади. Президентимизнинг 2017 йил 1 апрелдаги қарори билан берилган солиқ имтиёзлари ҳам хусусий тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бўшаган маблағлар уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, уларга сервис-техник хизмат кўрсатиш, тиббиёт мақсадлари учун эҳтиёт қисмлар, инвентар ва бошқа буюмлар харид қилиш, янги бинолар қуриш ва мавжудларини реконструкция қилишга мақсадли йўналтирилади.

Мутахассис Ўзбекистонда тиббий хизмат кўрсатиш моделини қайта кўриб чиқишини тавсия этмоқда.

Собиқ совет маконида жойлашган мамлакатларда тиббиётнинг умумий муаммолари ўзгариши лозим. Масалан, муайян (тор йўналишда) мутахассисликка эга битиравчилар ўрнини оиласвий шифокорлар ва мустақил мутахассисликдаги кадрлар эгаллаши лозим, деб ҳисоблайди Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Биринчи тиб-санитар ёрдам Европа маркази бўлим бошлиғи Ҳуан Телло.

20 ноябрь куни Халқаро-пресс клуб ахборот қўмагида ташкил этилган “Барқарор ривожланиш мақсадлари даврида Ўзбекистонда соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш” мавзусидаги халқаро анжуманда Ўзбекистонда соғлиқни сақлашни комплекс ислоҳ қилиш ва 2030 йилгача барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда кўмаклашувчи узок муддатли стратегик дастур – Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси масалалари муҳокама этилди.

Тадбирда иштирок этган Ҳуан Теллога кўра, собиқ Совет давлатлари тиббиёт соҳасида деярли ўхшаш масалалар ўз ечимини кутмоқда.

“Поликлиникага мурожаат этувчи bemорлар сони қўп, шифокор эса кам. Бизнинг фикримизча, умумий амалиёт шифокорларини тайёрлашга эътибор бериш, шунингдек, биринчи тиб-санитар ёрдам кўрсатадиган хизматлар турини кўпайтириш керак. Бундан ташқари, поликлиника моделидаги катталар учун терапевт, педиатр, гинеколог ва стоматолог кўринишидаги иш фаолиятидан воз кечиб, умумий амалиёт шифокори хонасини кўпайтириш мақсадга мувофиқ”, - дейди у.

Маълумот учун, Тожикистонда оиласвий ҳамширалар сони 2010-2014 йиллар оралиғида 74 фоизга кўпайди.

Теллога кўра, ўтиш жараёнида талабаларнинг амалиётини шифохоналарда ташкил этиш қўп кузатилган бўлса, энди амалиёт муайян жамоатларда давом этиши керак. Мақсад касалликни даволаш эмас, уни олдини олиш, касалликни келтириб чиқарувчи омилларга қарши қурашишdir.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ
ХУСУСИЙ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БҮЙИЧА ҚЎШИМЧА
ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2863-сон [карорига](#) мувофиқ, соғлиқни сақлашнинг хусусий секторини янада ривожлантириш бўйича хусусий тиббиёт ташкилотларининг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, улар фаолиятини тартибга солиш ва лицензиялаш тизимини такомиллаштириш, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва турларини оширишни рағбатлантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Ўтган давр мобайнида соғлиқни сақлашнинг хусусий сектори томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар турлари 50 тадан 126 тага кўпайди. Стоматология ва косметология ташкилотларидан ташқари хусусий тиббиёт ташкилотлари 2022 йилнинг 1 январигача барча турдаги солиқлар ва мажбурий ажратмаларни тўлашдан, шунингдек олиб келинадиган янги тиббиёт асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, уларнинг эҳтиёт қисмлари ва зарур материаллар учун божхона тўловларини тўлашдан озод этилди.

Қишлоқ жойларда тиббий хизматлар кўрсатиш соҳасида янги ташкил этиладиган микро фирмалар ва кичик корхоналар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 10 йил муддатга ягона солиқ тўловини тўлашдан озод этилиши қишлоқ ва олис туманларда хусусий тиббиётни жадал ривожлантириш имконини берди.

Натижада, хусусий тиббиёт муассасаларининг сони 440 тага кўпайиб, уларнинг умумий сони 4 мингга етди.

Шу билан бирга, давлат тиббиёт муассасаларининг айrim функцияларини соғлиқни сақлашнинг хусусий секторига ўтказиш, мазкур соҳада давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш, шунингдек республикада ва чет элда тиббий кадрларнинг малакасини ошириш, тиббиёт ташкилотларини аккредитациялаш тизимини жорий этиш масалалари долзарблигича қолмоқда.

Соғлиқни сақлашнинг хусусий секторини ривожлантиришни янада рағбатлантириш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун шарт-шароитларни яхшилаш, шунингдек кўрсатилаётган тиббий хизматлар ҳажмларини янада кенгайтириш, хусусий тиббиёт соҳасига инвестицияларни жалб қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шодмонов) ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Қўчқоров)нинг давлат тиббиёт ташкилотлари функцияларини давлат-хусусий шерикчилиги асосида тадбиркорлик субъектларига ўтказиш юзасидан чора-тадбирларни босқичма-босқич амалга ошириш:

ёрдамчи бўлинмалар (озиқ-овқат блоклари, кир ювиш хоналари ва бошқалар) фаолиятини таъминлаш;

рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан аниқланадиган айrim тиббий хизматларни кўрсатиш юзасидан таклифлари маъқуллансин.

2. 2018-2019 йилларда ҳудудларда хусусий тиббиёт ташкилотларини ташкил

етиш ва фаолиятини кенгайтириш бўйича параметрлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

бир ҳафталик муддатда 2018-2019 йилларда хусусий тиббиёт ташкилотларини ташкил этиш ва фаолиятини кенгайтириш бўйича лойиҳаларнинг манзилли рўйхати (кейинги ўринларда манзилли рўйхат деб аталади) ва унинг «Йўл харитаси»ни мазкур қарор иловасига мувофиқ тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитаси билан биргаликда манзилли рўйхат лойиҳалари ташаббускорларига улар белгиланган тартибда зарур ҳужжатларни тақдим этганда қурилишни амалга ошириш учун ер майдонлари ажратсин;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда, истисно тариқасида, манзилли рўйхат лойиҳалари ташаббускорларига давлат мулкидаги фойдаланилмасдан турган объектларни «ноль» харид қийматида сотсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва «AKFA MEDLINE» масъулияти чекланган жамиятининг:

Тошкент шаҳрида Корея Республикаси етакчи олий тиббий таълим муассасаларидан бирининг фаолиятини ташкил этиш;

Корея Республикасининг тиббиёт марказлари ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда «AKFA MEDLINE» МЧЖ хусусий клиникаси негизида хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантириш ва маҳаллий тиббиёт кадрлари малакасини ошириш Марказини ташкил этиш;

Корея Республикасининг илғор клиникалари ва тиббиёт марказларининг диагностика, даволаш, сервис ва менежмент масалалари бўйича тиббий хизмат кўрсатиш бўйича тажрибасини ўрганиш ва мамлакатимиз тиббиётига жорий этиш учун улар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

«AKFA MEDLINE» масъулияти чекланган жамиятининг ҳудудий филиалларини ташкил этиш бўйича таклифлари маъқуллансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Юсупалиев) Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Набиев) ҳамда «AKFA MEDLINE» МЧЖ (Нигманов) билан биргаликда бир ой муддатда мазкур қарорнинг 4-бандида назарда тутилган таклифларни амалга ошириш бўйича дастур лойиҳасини (Йўл харитасини) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

Олдинги таҳиррга қаранг.

(6-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПФ-5597-сонли Фармонига асосан ўз кучини йўқотган — Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.12.2018 й., 06/18/5597/2300-сон)

7. «Асака» акциядорлик-тижорат банки (Муллажонов) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Юсупалиев) билан биргаликда бир ой муддатда «Асака» акциядорлик-тижорат банки қошидаги нодавлат тиббиёт муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағларининг қуйидаги харажатлар нисбатини назарда тутадиган фойдаланиш тартибини тасдиқласин:

беш фоиз — юқори малакали ₃₅ хорижий мутахассисларни жалб қилиш

ва хусусий тиббиёт ташкилотлари шифокорларини хорижий мамлакатларга малака ошириш учун юборишга;

тўқсон беш фоиз — хусусий тиббиёт ташкилотларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда республиканинг ҳар бир ҳудуди учун 1 миллион АҚШ доллари миқдорида ресурслар ҳажмини назарда тутган ҳолда, «Асака» акциядорлик-тижорат банки қошидаги нодавлат тиббиёт муассасаларини ривожлантириш жамғармасининг 14 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағларини шакллантириш манбаларини аниқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси тиҷорат банкларига янги ташкил этилаётган ва фаолиятини кенгайтираётган хусусий тиббиёт ташкилотларини, шу жумладан, манзилли рўйхатда назарда тутилган хусусий тиббиёт ташкилотларини қўллаб-қувватлаш мақсадида улар замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарини сотиб олиши, шунингдек, мутахассисларининг малакасини ошириш ва хориждан юқори малакали мутахассисларни жалб этишни ташкил этиши учун белгиланган тартибда имтиёзли кредитлар бериш тавсия этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Юсупалиев):

а) икки ой муддатда:

хусусий тиббиёт ташкилотлари мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун хорижга юбориш, шунингдек хориждан юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш тартибини;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Ҳайдаров) билан биргаликда давлат тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизмат турларини тадбиркорлик субъектларига бериш тартибини;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Набиев) билан биргаликда етакчи хусусий тиббиёт ташкилотлари инфратузилмасини шартнома асосида тиббий касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари талabalари, малакасини ошираётган амалиётчи шифокорлар учун ўқув база сифатида фойдаланиш тартибини тасдиқласин ҳамда 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб жорий этсин;

б) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда:

тиббиёт ташкилотлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш ҳамда кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш мақсадида тиббиёт ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш концепциясини;

ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини, тегишли инфратузилмага эга бўлган замонавий тиббиёт мажмуаларини барпо этишни, мижозларнинг мамлакатда бўлиш даврида уларга ташкилий-маслаҳат кўмагини кўрсатган ҳолда мамлакатга кириш ва чиқишининг соддалаштирилган тартибини назарда тутувчи тиббий туризмни ривожлантириш концепциясини;

хусусий тиббиёт ташкилотлари ахборот тизимларини «Соғлиқни сақлаш» ахборот тизимлари комплексига ва кейинчалик Ягона интерактив давлат хизматлари порталига интеграциялаш бўйича таклифларни ишлаб чиқсан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

в) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р. Касимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Қ. Акмалов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,

2017 йил 29 декабрь,

ПҚ-3450-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3450-сон қарорига
ИЛОВА

**2018-2019 йилларда ҳудудларда хусусий тиббиёт ташкилотларини ташкил этиш ва
фаолиятини кенгайтириш бўйича
ПАРАМЕТРЛАР**

№	Худудлар	Жами	Хориж инвестицияси иштирокида	шу жумладан:			
				янги ташкил этиладиганлар		фаолияти кенгаядиганлар	
				2018 йил	2019 йил	2018 йил	2019 йил
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	39	5	10	9	10	10
2.	Андижон вилояти	46	5	13	11	11	11
3.	Бухоро вилояти	52	5	13	23	13	3
4.	Жizzах вилояти	23	4	9	3	7	4
5.	Қашқадарё вилояти	33	6	10	5	9	9
6.	Навоий вилояти	22	3	5	4	8	5
7.	Наманган вилояти	34	5	14	4	8	8
8.	Самарқанд вилояти	36	6	11	7	8	10
9.	Сурхондарё вилояти	43	5	20	7	10	6
10.	Сирдарё вилояти	24	3	6	7	6	5
11.	Тошкент вилояти	40	6	21	2	11	6
12.	Фарғона вилояти	33	6	7	1	13	12
13.	Хоразм вилояти	20	5	5	5	5	5
14.	Тошкент шаҳри	91	10	16	26	17	32
Жами		536	74	160	114	136	126

(Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.12.2017 й., 07/18/3450/0489-сон, 13.12.2018 й., 06/18/5597/2300-сон)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ХУСУСИЙ СЕКТОРНИ ЯНАДА
РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашишни кучайтириш, хусусий тиббиёт муассасаларининг аҳолига юқори технологияли сифатли тиббий хизматлар кўрсатиши учун зарур шароитлар яратиш, хусусий тиббиёт соҳасига хориждан инвестициялар ва юқори малакали мутахассислар жалб этишни кенгайтириш, шунингдек, тиббий туризм ва тиббий хизматлар экспортини ривожлантириш мақсадида:

1. Қўйидагилар соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантиришнинг асосий йўналиш ва вазифалари этиб белгилансин:

мамлакатимизнинг барча ҳудудларида хусусий тиббиёт муассасалари тармоғи фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтириш учун қулай шароитлар яратиш, уларнинг фаолиятини тартибга солиш ва лицензиялаш тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилаётган масалаларни тизимли ҳал этиш;

хусусий тиббиёт муассасаларининг ташхис қўйиш ва даволаш бўйича замонавий юқори технологияли усулларни кенг қўллаган ҳолда, кенг аҳоли қатламлари, жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатишига қаратилган хизматлар кўлами ва турларини кенгайтиришни ҳар томонлама рағбатлантириш;

хусусий тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий тиббиёт ускуналари, маҳсус инвентар ва асбоблар билан жиҳозлаш, тиббиёт ихтисосликлари турига мос келадиган ва санитария норма ҳамда қоидлари талабларига жавоб берадиган бино ва хоналар билан таъминлаш;

қулай кредит ва лизинг механизмларини фаол жалб этиш орқали хусусий тиббиёт муассасаларини молиявий қўллаб-қувватлаш кўлами ва ҳажмини тубдан ошириш, етакчи хорижий клиника ҳамда тиббиёт марказлари билан ҳамкорликда даволаш-ташхис муассасаларини ташкил этган ҳолда хусусий тиббиёт соҳасига хорижий инвестициялар жалб қилишни кенгайтириш;

аҳолига давлат томонидан кўрсатиладиган кафолатли бепул тиббий ёрдам билан бирга тиббий суғурта тизимини кенг жорий этган ҳолда сифатли ва арzon маслаҳат-ташхис, даволаш, соғломлаштириш ва бошқа турдаги тиббий хизматлардан фойдаланиш учун қўшимча имкониятлар яратадиган пулли тиббий хизматлар бозорини жадал ривожлантириш;

илғор ҳалқаро тажрибани инобатга олган ҳолда, хусусий тиббиёт соҳаси учун тиббий таълимнинг замонавий усул ва технологияларидан фойдаланиш асосида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг сифатли ва самарали тизимини шаклантириш, хусусий тиббиёт муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон хусусий амалиёт врачлари уюшмасининг хусусий тиббиёт муассасалари учун рухсат этилган тиббий фаолият турларини, жумладан тиббиёт соҳасида талаб юқори бўлган кардиожарроҳлик, нейрожарроҳлик, микрожарроҳлик, онкология, эндокринология, кардиология, қон-томир, торакал ва абдоминал

жарроҳлик, урология ва тиббий фаолиятининг бошқа, аҳолининг ҳаёти, саломатлиги ва санитария-эпидемиологик ҳолатига катта хавф туғдириши мумкин бўлган турларидан ташқари, турларини тубдан кенгайтириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин, бунда тиббиёт фаолиятнинг барча тиббиёт турлари қамраб олинсин.

3. Тиббий фаолиятнинг аҳоли ҳаёти, саломатлиги ва санитария-эпидемиологик ҳолатига катта хавф туғдириши мумкин бўлган ва хусусий тиббиёт муассасалари учун тақиқланган айрим турлари рўйхати 1-иловага^{*} мувофиқ;

соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантиришнинг асосий вазифа ва йўналишларига мувофиқ ишлаб чиқилган Хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари дастури 2-иловага^{*} мувофиқ тасдиқлансан.

* [1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган](#).

4. Белгилансинки, хусусий тиббиёт муассасаларида ташхис қўйиш ва даволаш, айниқса, жарроҳлик амалиётини ўтказиш билан боғлиқ ҳолларда янги юқори технологияли усулларни жорий этиш фақат тегишли тиббиёт ускуналари, юқори малакали тиббиёт ходимлари мавжуд бўлганда ва санитария норма ҳамда қоидаларига қатъий риоя этилгандагина рухсат этилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мехнат вазирлигининг 2017 йил 1 майдан соғлиқни сақлаш соҳасида кичик корхоналар ходимлари йиллик ўргача чекланган сонининг 100 кишигacha бўлиши тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фойдаланилмаётган бинолар, обьект ва хоналарни, айниқса, соғлиқни сақлаш тизимида тутатилаётган муассасаларнинг давлат мулки бўлган объектларини аҳолига тиббий хизматлар кўрсатадиган тадбиркорлик субъектларига «ноль» қиймати бўйича белгилangan тартибда сотишни таъминласин, бунда янги мулкдорлар инвестиция киритиш ва ижтимоий мажбуриятларни зиммасига олишига эътибор қаратилсин.

 LexUZ шарҳи

Мазкур бандга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 июлдаги ПФ-5111-сонли [Фармонига](#) асосан ўзгартириши киритилган. [Рус тили](#) матнiga қаранг.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига «Ўзмед-лизинг» ихтисослаштирилган лизинг компанияси устав капиталини кўпайтириш орқали, жумладан, хорижий инвесторлар маблағларини жалб этиш ҳисобидан тиббиёт муассасаларига замонавий юқори технологияли асбоб-ускуналар харид қилиш ҳажмини кенгайтириш ва лизингга бериш чора-тадбирлари тўғрисида аниқ таклифлар киритсин.

[Олдинги таҳрирга қаранг.](#)

8. Қуйидагилар 2022 йил 1 январгача:

а) аҳолига пуллик тиббий хизматлар кўрсатадиган (стоматология ва косметология хизматларидан ташқари) хусусий тиббиёт муассасалари, жумладан, хорижий инвесторлар иштирокидаги ³⁹ хусусий тиббиёт муассасалари тиббий

хизматлар қисмida, бўшайдиган маблағларни хусусий тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий, муҳандислик-техник ускуналар билан жиҳозлаш ва уларга сервис-техник хизмат кўрсатиш, тиббиёт мақсадлари учун эҳтиёт қисмлар, сарфлаш материаллари, инвентарь ва бошқа буюмлар харид қилиш, тиббий хизматлар кўрсатиш учун янги бинолар қуриш, мавжуд бино ва иншоотларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига бепул тиббий хизматлар кўрсатишга мақсадли йўналтирган ҳолда, барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

б) белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича юридик шахслар томонидан, шу жумладан лизинг шартномаси асосида олиб келинадиган янги тиббиёт асбоб-ускуналари, бутловчи буюмлар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари ҳамда сарфлаш материаллари (стоматология ва косметология асбоб-ускуналаридан ташқари) божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йигимлари бундан мустасно) озод этилсин.

Ушбу банднинг [«а» кичик бандида](#) кўрсатилган солиқ имтиёзларини қўллаш мақсадида, ҳисобот даври якунлари бўйича тиббий хизматлар (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно) кўрсатиш асосий фаолият тури ҳисобланган юридик шахслар хусусий тиббиёт муассасаларига киради. Бунда тиббий хизматлар кўрсатиш асосий фаолият тури ҳисобланганда, юқорида кўрсатиб ўтилган имтиёзлар бошқа даромадларга ҳам жорий этилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги, Ўзбекистон хусусий амалиёт врачлари уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда юқорида қайд этилган солиқ имтиёзлари тақдим этилиши натижасида бўшайдиган маблағлар ҳисобидан хусусий тиббиёт муассасалари томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига бепул тиббий хизматлар кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

(8-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 апрелдаги ПҚ-4290-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.04.2019 й., 07/19/4290/2959-сон)

Олдинги таҳрирга қаранг.

9. Қишлоқ жойларда тиббий хизматлар кўрсатиш соҳасида янгидан ташкил этиладиган (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно) микро фирмалар ва кичик корхоналар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 10 йил муддатга тиббий хизматлар қисмida ягона солиқ тўловидан озод этилсин.

(9-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 октябрдаги ПФ-5212-сонли Фармонитаҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.10.2017 й., 06/17/5212/0153-сон)

10. Белгилаб қўйилсинки:

хусусий тиббиёт муассасаларида ишлаш учун жалб этиладиган хорижий шифокорлар ва замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарига хизмат кўрсатадиган техник мутахассислар тузилган меҳнат шартномалари доирасида олинадиган даромадлар бўйича жисмоний шахслар даромад солигини тўлашдан озод этилади;

хорижий шифокорлар ва замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарига хизмат кўрсатадиган техник мутахассисларга тузилган меҳнат шартномалари доирасида тўланадиган даромадлар ягона ижтимоий тўловдан озод этилади;

хусусий тиббиёт муассасаларининг хорижлик ходимлари бошқарув персонали сифатидаги фаолиятидан оладиган даромадлари жисмоний шахслар даромад солиғидан озод этилади.

11. Тижорат банкларига:

хусусий тиббиёт муассасаларига замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарини, жумладан, хориждан сотиб олиш, бошлангич капитални шакллантириш, тиббий хизматлар кўрсатиш мақсадида бино ва иншоотлар харид қилиш учун узоқ муддатли имтиёзли кредитлар;

аҳолига замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан, банк кредит карталари билан ҳисоб-китоб қилиш асосида хусусий тиббиёт муассасаларининг тиббий хизматларидан фойдаланиш учун истеъмол кредитлари тақдим этиш тавсия этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда хусусий тиббиёт муассасаларида ишлаш учун жалб этиладиган хорижий шифокорлар ва тиббиёт асбоб-ускуналарига хизмат кўрсатадиган техник мутахассисларга Ўзбекистон Республикасига келиш ва яшаш учун руҳсатнома хужжатларини расмийлаштиришда ёрдам кўрсатсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида таклифлар киритсин;

идоравий меъёрий хужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштиришни таъминласин.

14. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н. Юнусхўжаев зиммасига юклансин.



Ўшибу қарор «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 4 апрелдаги 66 (6760)-сонида эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 1 апрель,
ПҚ-2863-сон

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига
ШАРҲ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш, хусусий тиббиёт муассасаларининг аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиши учун зарур шароит яратиш мақсадида қабул қилинди.

Охириги йилларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасини тубдан ислоҳ 41

қилиш ва такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида тиббиёт соҳасининг хусусий секторини барқарор ривожлантиришига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу соҳага мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимининг давлат соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан кўрсатилаётган кенг турдаги тиббиёт хизматларини сифат жиҳатидан юксалтириш ва янада тўлдиришга хизмат қиласиган мухим таркибий қисм сифатида қаралмоқда.

Умуман олганда, мамлакатимизда тиббиёт соҳасининг хусусий сектори фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги конунида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни ривожлантириш кўзда тутилган. Хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятини тартибга солиш ва лицензиялаш тизими фаолият юритмоқда. Уларга барча турдаги соликлар ва қатор мажбурий тўловлар, шунингдек, четдан олиб келинадиган янги тиббий асбоб-ускуналар учун божхона тўловларидан озод этиш бўйича имтиёзлар берилаётир.

Сўнгти 6 йилда мамлакатимизда хусусий тиббиёт муассасалари сони 2 баробар кўпайиб, 3,5 мингтага етди. Уларни юқори технологияли тиббиёт техникаси билан жиҳозлаш даражаси 3 баробар ошди. Айниқса, стоматология, лаборатория ташхиси, терапия, физиотерапия, неврология ва бошқа соҳаларга ихтисослашган хусусий тиббиёт муассасалари ривожланган.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан учрашувларида соғлиқни сақлаш тизимида хусусий секторни ривожлантиришга ҳамон етарлича эътибор қаратилмаётганини таъкидлади.

Бу борадаги тажриба шуни кўрсатмоқдаки, хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятига оид қонунчиликда мавжуд чекловлар улар томонидан кўрсатилаётган тиббий хизмат турларини кенгайтириш ва сифатини янада яхшилашга, айниқса, тор ихтисосликдаги тиббиёт соҳаларига илғор даволаш усул ва технологияларини жорий қилишга тўсқинлик қилмоқда. Айниқса, хусусий тиббиёт субъектларининг қишлоқ жойларда ривожланиши даражаси қониқарсиз ҳолатда, уларнинг учдан бир қисмидан зиёди Тошкент шаҳри ва вилоятида фаолият кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан қабул қилинган қарорга мувофиқ, соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантиришнинг асосий йўналиш ва вазифалари қаторида хусусий тиббиёт муассасалари ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий юқори технологияли усулларини кенг қўллаган ҳолда сифатли тиббий хизматлар кўрсатиши учун зарур шароитлар яратиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларга кредит ажратиш ва молиявий ёрдам кўрсатиш, хусусий тиббиёт соҳасига хорижий инвестициялар ва малакали мутахассисларни жалб қилиш, тиббий хизматлар экспортини кенгайтириш,

аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш бозори инфратузилмасини ривожлантириш белгиланган.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, қарорда соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий сектор томонидан кўрсатилаётган хизмат турларини янада кенгайтириш кўзда тутилган. Хусусан, айни пайтгача хусусий тиббиёт муассасаларига 177 турдаги тиббий хизматларнинг атиги 50 тасига рухсат этилган бўлиб, қолганлари тақиқланган эди. Мазкур қарорга биноан, энди уларга тиббий хизматларнинг деярли барча турларини кўрсатишга рухсат берилди.

Рухсат этилган тиббий хизмат турларига кардиожарроҳлик, нейрожарроҳлик, микрожарроҳлик, онкология, анестезиология ва реаниматология, гельминтология, интервицион кардиология, иммунобиологик ва иммунофермент ташхис қўйиш, қон-томир, торакал ва абдоминал жарроҳлик ва тиббиёт соҳасида талаб юқори бўлган бошқа йўналишлар киритилди.

Шуни қайд этиш лозимки, агар аввал қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларида хусусий тиббиёт муассасалари шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари тасдиқланган бўлса, энди фақат давлат соғлиқни сақлаш муассасалари амалга ошириши мумкин бўлган ва хусусий тиббиёт муассасалари учун тақиқланган айrim чекланган фаолият турлари тасдиқланмоқда. Ушбу фаолият турлари аҳоли ҳаёти, саломатлиги ва санитария-эпидемиологик ҳолатига катта хавф туғдириши мумкин бўлган, жумладан, ўта юқумли, хавфли ва карантин касалликларга ташхис қўйиш ва даволаш, токсикологик, венерик ва руҳий хасталиклар, чақалоқлар ва 1 ёшгача бўлган болалар касалликлари ва патологиясини даволаш, туғруқни қабул қилиш ва ҳомиладорликни тўхтатиш, органларни қўчириш, қон донорлигини ташкил этиш ва бошқа ўзига хос йўналишлар билан боғлиқдир.

Мазкур қарор хусусий тиббиёт муассасаларига кенг кўламли имтиёз ва преференциялар берилгани билан ҳам алоҳида эътиборга лойик. Хусусан, ушбу муассасалар 2022 йилнинг 1 январига қадар барча турдаги солиқлар ва мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилди. Алоҳида таъкидлаш лозимки, тақдим этилган солиқ имтиёзлари хусусий тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини сезиларли даражада мустаҳкамлаш имконини беради. Бўшаган маблағлар уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, уларга сервис-техник хизмат кўрсатиш, тиббиёт мақсадлари учун эҳтиёт қисмлар, инвентар ва бошқа буюмлар харид қилиш, янги бино ва иншоотларни қуриш ва мавжудларини реконструкция қилишга мақсадли йўналтирилади.

Тақдим этилган солиқ имтиёзлари ҳисобидан тежалган маблағларнинг бир қисми аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламларига бепул тиббий хизмат кўрсатишга йўналтирилади. Шундай қилиб, берилган солиқ имтиёзлари

эвазига давлат бир вақтнинг ўзида аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш билан бирга, сифатли тиббий хизмат кўрсатишни кенгайтириши рағбатлантириш бўйича муҳим вазифаларни ҳал этади, шу билан бирга, хусусий тиббиёт муассасалари зиммасига қўшимча молиявий харажатлар юкланмайди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига Молия вазирлиги ва Ўзбекистон хусусий амалиёт врачлари ассоциацияси билан биргалиқда бир ой муддатда юқорида қайд этилган солик имтиёzlари тақдим этилиши натижасида бўшайдиган маблағлар ҳисобидан Хусусий тиббиёт муассасаларининг аҳоли ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламларига бепул тиббий хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаси топширилди.

Шунингдек, хусусий тиббиёт муассасалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб келинадиган янги тиббиёт асбоб-ускуналари, бутловчи буюмлар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари ҳамда материаллари учун божхона тўловларидан озод этилади. Бунда мазкур рўйхатни тиббиёт муассасаларининг эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда янада кенгайтириш кўзда тутилган.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, қишлоқ жойларда ва чекка туманларда тиббиёт соҳасида хусусий секторни жадал ривожлантириш мақсадида қарорда қишлоқ жойларда тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида ташкил этиладиган янги микрофирмалар ва кичик корхоналар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 10 йил муддатга ягона солик тўловидан озод этилиши кўзда тутилган.

Қарорда 2017 йил 1 майдан бошлаб соғлиқни сақлаш соҳасида кичик корхоналар ходимларининг йиллик ўртача чекланган сонини 25 кишидан 100 кишигача кўпайтириш тўғрисидаги тасдиқланган норма тиббиёт соҳасининг хусусий секторида бандликни кенгайтириши рағбатлантириш имконини беради, хусусий тиббиёт муассасалари хизмат кўрсатадиган аҳоли сонини ошириш учун қўшимча имкониятлар яратади.

Қарорда мустақиллик йилларида ушбу соҳа учун биринчи марта ишлаб чиқилган Хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари дастури тасдиқлангани ҳам алоҳида эътиборга лойиқdir. Мазкур дастурда хусусий тиббиёт муассасаларини ҳар томонлама рағбатлантириш ва қўллаб-куватлаш, улар фаолиятининг барча йўналишларини қамраб олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Хусусан, хусусий тиббиёт муассасаларига лицензия беришни сезиларли даражада соддалаштириш ва муддатларини тезлаштириш, жумладан, лицензия бериш тўғрисидаги қарорни 30 кундан 20 кунгacha қисқартириш, лицензия бериш учун давлат божини энг кам иш ҳақининг 10 баробаридан 5 баробаригача камайтириш назарда тутилган.

Дастурда хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш ва кенгайтириш учун уларни бино ва хоналар билан таъминлашга доир амалий чоратадбирлар кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига фойдаланилмаётган бинолар, обьект ва хоналарни, айниқса, соғлиқни сақлаш тизимида тугатилаётган муассасаларнинг давлат мулки бўлган обьектларини аҳолига тиббий хизматлар кўрсатадиган тадбиркорлик субъектларига «ноль» қийматида белгиланган тартибда бепул сотиш, бунда мулкдорлар инвестиция киритиш ва янги иш ўринлари яратиш бўйича мажбуриятларни зиммасига олишини таъминлаш вазифаси топширилди.

Шу билан бирга, кичик тадбиркорлик субъектлари, жумладан, хусусий тиббиёт муассасаларига давлат мулкини ижарага олишнинг максимал муддатини амалдаги нормаларга мувофиқ 5 йилдан 10 йилгача узайтириш кўзда тутилган. Бунда соғлиқни сақлаш муассасаларининг давлат мулкидан фойдаланиш учун ижара тўловининг энг кам ставкасини 20 фоизга қисқартириш назарда тутилган.

Янги тиббиёт обьектлари барпо этадиган ва мавжудларини реконструкция қиласидаги хусусий тиббиёт муассасалари учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бошқа ваколатли органларга уларнинг муҳандислик-коммунал инфратузилма обьектларидан ҳеч қандай тўсиқларсиз фойдаланишини эътиборга олган ҳолда, уларга ер участкалари, бино ва хоналар ажратиш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига икки ой муддатда юридик ва жисмоний шахслар, жумладан, хусусий тиббиёт муассасаларига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, хусусан, тиббий хизматларни, айниқса, қишлоқ жойлар ва олис туманларда кўрсатиш учун ер участкалари ажратишида қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиши топширилди.

Хусусий тиббиёт муассасаларига кредит ажратиш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига «Ўзмед-лизинг» ихтисослаштирилган лизинг компанияси устав капиталини қўпайтириш орқали, шунингдек, хорижий инвесторлар маблағларини жалб этиш ҳисобидан тиббиёт муассасаларига замонавий юқори технологияли асбоб-ускуналар харид қилиш ҳажмини кенгайтириш ва лизингга бериш чора-тадбирлари тўғрисида аниқ таклифлар киритиш топширилди.

Тижорат банкларига хусусий тиббиёт муассасаларига замонавий тиббий асбоб-ускуналар, жумладан, хориждан сотиб олиш, бошланғич капитални шакллантириш, тиббий хизматлар кўрсатиш мақсадида бино ва иншоотлар харид қилиш учун узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратиш вазифаси юклатилди. Шунингдек, аҳолига замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, жумладан, банк кредит карталари билан ҳисоб-китоб қилиш асосида хусусий тиббиёт муассасаларининг тиббий хизматларидан фойдаланиш учун истеъмол кредитлари тақдим этиш тавсия этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қарорда тиббиётнинг хусусий соҳасига, айниқса, юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш ва хорижий капитал иштирокида қўшма тиббиёт муассасалари ташкил этиш орқали илфор ҳалқаро тажрибани жорий этишни кенгайтиришга доир чора-тадбирлар кўзда тутилган. Мазкур қарорда хусусий тиббиёт муассасаларида ишлашга жалб этиладиган хорижлик шифокорлар ва замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарига хизмат кўрсатадиган техник мутахассислар тузилган меҳнат шартномалари доирасида олинадиган даромадлар бўйича жисмоний шахслар даромад солиғи ҳамда ягона ижтимоий тўловлардан озод этилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон хусусий амалиёт врачлари ассоциациясига Ўзбекистонда Жанубий Корея, Хиндистон, Россия, Германия ва бошқа давлатларнинг етакчи тиббиёт марказлари ҳамда клиникалари билан ҳамкорликда йирик даволаш-ташхис қўйиш муассасалари ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва киритиш тавсия этилди. Бунда қарорга кўра, хусусий тиббиёт муассасаларининг хорижлик ходимлари бошқарув персонали сифатидаги фаолиятидан оладиган даромадлари жисмоний шахслар даромад солиғидан озод этилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигига хусусий тиббиёт ташкилотларида ишлаш учун жалб этиладиган хорижлик шифокорлар ва тиббиёт асбоб-ускуналарига хизмат кўрсатадиган техник мутахассисларга Ўзбекистон Республикасига кириш ва яшаш учун руҳсатнома ҳужжатларини расмийлаштиришда ёрдам кўрсатиш топширилди.

Хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятини кенг кўламда рағбатлантириш тиббий суғурта тизимини кенг жорий этган ҳолда, аҳолига давлат томонидан кўрсатиладиган кафолатли бепул тиббий ёрдам билан бирга, сифатли ва арzon тиббий хизматлардан фойдаланиш учун қўшимча имкониятлар яратадиган пулли тиббий хизматлар бозорини жадал ривожлантиришни тақозо этади.

Шу муносабат билан қарорда тиббий суғурта соҳасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш, ихтиёрий ва мажбурий тиббий суғуртанинг ҳукуқий асосларини белгилаш, суғурта полислари бўйича кафолатли юқори

сифатли тиббий хизматлар қўрсатиш, фуқаролар учун тиббий сұғурта тизимида иштирок этишда рағбатлантирувчи имтиёз ва преференциялар яратиш ва бошқа масалаларга қаратилган «Тиббий сұғурта түғрисида»ги қонун лойиҳаси концепциясини ишлаб чиқиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари түғрисида»ги қарори соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантиришни рағбатлантириш, ҳалқимиз учун муносиб ва сифатли ҳаёт шароитларини яратишга доир амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг мантиқий давоми, шунингдек, «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган эзгу ғояни ҳаётга изчил татбиқ этиш борасидаги навбатдаги муҳим қадамдир.

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 217-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.10.2017 й., 06/17/5212/0153-сон; 16.03.2018 й., 07/18/3606/0903-сон; 17.04.2019 й., 07/19/4290/2959-сон)